



ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА ШАХС МАСАЛАСИНИНГ ЎРИТИЛИШИ

Тишабаева Л, Мирзаев А, Кадирова Д,
Рахимов И, Эргашов У, Махмудова А

Фарғона политехника институти профессор ўқитувчилари

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7581025>

ANNOTATSIYA. истеъдодли ўзбек адиби Абдулла Қодирий (1894-1938) қолдирган бой адабий мерос (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, қиссалари, ҳикоя ва ҳажвиялари) талқин ва таҳлиллари натижасида ХХ асар ижтимоий муаммоларини рўйи рост очиб бера олиши билан боғлиқ жараёнлар ва бир бадиий асар таҳлили ана шунга мансуб миллат менталитетидан хабардор бўлиш масалалари ҳақида сўз боради.

Kalit so‘zlar: Мустафо Чўқай, эстетик олам, Миллий Туркистон, Ёш Туркистон, Худоёрхон, Ўзбек адабиёти.

Буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирий (1894-1938) қолдирган бой адабий мерос (“Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романлари, қиссалари, ҳикоя ва ҳажвиялари) талқин ва таҳлиллари натижасида ХХ асар ижтимоий муаммоларини рўйи рост очиб бера олиши билан ажралиб туради. Унинг асарларини талқин этиш, тушуниш ва тушунтириш ниҳотда машаққатли психологик жараён саналади. Бунда рецепиентнинг назарий билим даражаси, фалсафий дунёқараши, эстетик олами жуда муҳим аҳамиятга эга. Муайян бир бадиий асар таҳлил этилганда ўша адабиёт мансуб миллат менталитетидан хабардор бўлиш талқинга самарали таъсир кўрсатади. Аммо бадиий адабиётга сиёсий-мафкуравий, ғаёриэстетик талаблар билан ёндашилса, гарчанд талқинчи шу адабиёт ва миллат намояндаси бўлса ҳам, хатоликка йўл қўйиши, нотўғри қарашларни илгари суриши мумкин. ХХ асрнинг 30-йилларида бадиий асарларга вульгар социологик ёндашувлар асосида, С.Хусайннинг “Ўткан кунлар” (1931 йил, Тошкент-Боку) номли рисоласи, М.Бузрукнинг “Меҳробдан чаён” номли (“Шарқ ҳақиқати” газетаси, 1929 йил) мақолалари пайдо бўлди. Ёзувчи бу даврда, кўзи



тириклигида кўп танқидлар эшитди, эъзозланмади. Аслини олганда сал кам бир асрга чўзилган А. Қодирий асарларини социал тадқиқ қилиш хронологик тарздаги бир неча босқичлар фарқланади. Чунончи 60-70-йиллар қодрийшунослигида нисбатан холис ва илмий талқинлар мавжуд. Ўзбек олимларининг Абдулла Қодирий ижодига 80-90-йиллардаги ёндашувларини адиб ҳаёти ва ижодини чинакам илмий-эстетик моҳиятига мос равишда тадқиқ этишлар сифатида баҳолаш лозим. XX аср ўзбек адабиёти намояндаларининг ижоди баъзан собиқ иттифоқ олимлари, баъзан рус олимлари томонидан ўрганилди; мақолаларида, хотираларида эътирофлари берилди. Масалан, татар олими Зариф Башир 1929 йили Қозонда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» китобида: «Унинг 1923 йилдан сўнг босилган «Ўткан кунлар» номли зўр бир романи уч бўлим бўлиб нашр этилди. Мундарижаси Худоёрхон диёридан олиб ёзилган бу романи ўқиган чоғингда, ўзингни бутунлай шу диёрнинг қаҳрамонлари орасида ҳис қиласан...», деган сатрлар бор (1). Қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезовнинг: «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) юксак романлар яратди. Унинг романлари 20-йилларда гўё текис саҳрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди...», деган эътирофини кўпчилик яхши билади. Шу сингари мулоҳазалар бошқа қардош миллат ёзувчилари томонидан ҳам айтилган (2). Бундаги адиб новаторлигини, устозлигини улуғловчи фикрлар ўзбек адабиётшунослигида мавжуд қарашларга жуда ҳамоҳангдир. Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди хориждаги туркий миллат вакиллари, шунингдек, Ғарб ва Америка олимларининг назаридан четда турмади. 1929-1939 йилларда Мустафо Чўқай ўғли раҳбарлигида Париж шаҳрида «Ёш Туркистон» номли журнал нашр этилган эди. Унда барча жаҳидларга жиддий эътибор қаратилганидек, баъзи мақолаларда Жулқунбойга ҳам муносабат билдирилди (3).

Айнан шу «Ёш Туркистон»нинг 1931 йилги 18-сонида Азимзода исмли муаллифнинг Машҳаддан ёзган «Ўткан кунларимиз» сарлавҳали бир мақоласи борки, Абдулла Қодирийга муносабат бу ўринда анча жиддий ва айбнома руҳидадир. 30-йилларда С.Хусайн, М.Бузрук сингари ўзбек мунаққидлари адибнинг «миллатчи», «майда буржуазия» вакили эканлигини ёзган, романларидан шўро мафкураси ва талабларга мос эпизодлар топа билмай айблаган бўлсалар, Азимзода Абдулла



Қодирийни ўз мақоласида «бўлшавикларга сотилғон» ҳисоблайди; адиб романларини ўқиб, унга шундай айбни юклайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу мақоладаги мулоҳазалар чуқур илмий-эстетик талқинлар натижаси эмас, балки мавжуд ҳокимият билан бир оз мурасага келиб ижод этаётган, “аждоҳо комида”, таҳликалар ичида ижод қилаётган миллий бир адибга нисбатан асоссиз ҳужумлардир.

Азимзода шундай ёзади: «Абдулла Қодирий бўлшавиклар учун хизмат қилиб турадир. Унинг «Меҳробдан чаён» деган китоби миллий рўмон эмасдир. Бу асарда бурунги хонларнинг айблари хаёлий ва муболағали бир суратда тасвир этилиб, эски анъаналар халафлар назаринда тақбиҳ этиладир; миллат ва миллият туйғуси алайҳинда бўлғон бу рўмон бўлшавиклар манфаати учун нашр этилмишдир... Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» каби яна «Ўткан кунлар» деган рўмони бор. Бу асар-да бўлшавикларга пак мақбулдир» (4). Азимзода фикрича, Абдулла Қодирий ўша романларини бирёқлама ёзган, чунки қаҳатчилик ҳукм сураётган ўша йилларда унинг «қалами кунлик озуққа» сотилган эмиш. Адиб ўз романларида ўтган кунларимизни қаро буёқларда берган, фақат ёмонлаган. Ҳолбуки, эски замонларда қадим Туркистонда улуғ бинолар, нақш, ипак санъати, оғоч, мис ва темир ўймакорликлари, тошқўмир ва қоғоз саноати ривожланган бўлган. Абдулла Қодирий ўтмиш хусусида рўмон ёзар экан, «буларни кўрмамиш ва унга отаси-да сўйламамишдир». Бадий асар табиати ва бадий мантиқ тушунчаларидан бебеҳра Азимзода фикрлари шундай. Ва ҳатто, бир ўринда: «Ўткан кунларимизни яхши билмасдан у ҳақда рўмонлар ёзишга жасорат этиш буюк хиёнатдир», деган иддаони ёзади. Эҳтимол, Азимзода Туркистоннинг ўтмишини улуғлаши, унинг буюклигини овоза қилиш лозимлигини таъкидлаши билан ватанпарварлик, миллатпарварлик қилаётгандир. Аммо унинг бадий воқеликка ёндашуви матндан узоқ. Чунки мақоласида роман воқеа-ҳодисалари ёки муайян образлар таҳлили йўқ. Гўё унга кимдир Абдулла Қодирий ўша романларида ўтмишни қоралаган, деган гапни етказиб қўйган-у, у романларни ўқимасданок, ўша «қора ўтмиш»ни «оқлаш»га тушиб кетган кўринади. Ҳар ҳолда мақоланинг умумий пафоси шундай таассурот беради. Назаримда, бу ўринда Азимзода фикрларининг инкори учун узундан-узоқ далиллар келтириш шарт эмас. Чунки «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан



чаён»нинг ўзбек миллати маънавиятига, бадий-эстетик тафаккурининг юксалишига берган таъсири Абдулла Қодирий миллат ва ватан учун қандай хизмат этганини кўрсатади. Қизиқ ҳолат. Ичкаридагилар уни «миллатчи»дан олиб, «миллатчи»га солган бўлсалар, ташқаридаги бир «миллатсевар» киши ўз талқинларида адибни «бўлшавикларга сотилғон», тарих олдида буюк хиёнат қилган хиёнатчига чиқарди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Берлинда нашр этилган «Миллий адабиёт» мажмуасида «Ўткан кунлар»дан парчалар берилди (1943. 5-сон). Қ.Исроилжон имзоси остида босилган «Туркистон ёзувчилари ҳақида бир неча сўз» номли мақолада - асосий гап Чўлпон хусусида бўлса-да - Абдулла Қодирий номи жадидлар қаторида тилга олинади (5).

Шунингдек, «Миллий Туркистон» мажмуасининг 1964 йил май сонидан Боймирза Ҳайитнинг «Туркистон янги адабиётида икки сиймо: Қодирий ва Чўлпон» номли мақоласи босилади. Мақоланинг аввалги қисми Абдулла Қодирий хусусида бўлиб, сарлавҳадан кейин «бошқарма» - таҳририят томонидан шундай эслатма битилган: «Б.Ҳайит томонидан XXVI Байналмилал шарқшунослар қурултойи, туркшунослар бўлимида, Деҳли 7. 1. 1964 да берган маъруза» (6).

Б.Ҳайит Абдулла Қодирий асарларининг матнини махсус адабий-назарий нуқтаи назардан талқин этмайди, балки умумий йўсинда адибнинг ҳаёти ва ижоди хусусида фикр билдиради. Албатта, бу даврга келиб Абдулла Қодирий аллақачон оқланган ва унинг ижоди советлар мафқурасига бегона эмаслиги исботланаётган эди.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Azimjonovich R. I. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Epra International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR) Impact Faktor: 7.032. Indiya. 2020 June. P. 161. – 2020. – T. 163.
2. Azimjonovich R. I., Obidjonovich E. U. MAHALLA INSTITUTE-THE FOUNDATION OF



CIVIL SOCIETY OF UZBEKISTAN.

3. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
4. Рахимов И. А. ВЕЛИКИЙ ШЕЛКОВЫЙ ПУТЬ, КОТОРЫМ ВОСХИЩАЕТСЯ МИР //Современные научные исследования: тенденции и перспективы. – 2020. – С. 93-102.
5. Рахимов И. А. ОСНОВАНИЕ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА МАХАЛЛА //Инновационное развитие современной науки. – 2021. – С. 32-37.
6. Рахимов И. А. ИЗ ИСТОРИИ УПРАВЛЕНЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ТУРКЕСТАНСКИХ МЕСТНЫХ ИНВЕТОРОВ В КОНЦЕ 19 И НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ //Актуальные вопросы современной науки и практики. – 2020. – С. 111-115.
7. Raximov I. A. ESTABLISHMENT OF THE MINISTRY OF COMMUNITY AND FAMILY SUPPORT IS AN IMPORTANT STEP IN SELF-GOVERNMENT //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 215-222.
8. Rakhimov I., Abdullayev S. UZBEK NEIGHBOURHOODS: HISTORY AND NOWADAYS //Вестник Ошского государственного университета. – 2019. – №. 3. – С. 34-37.
9. Raximov I. NEIGHBORHOOD DEMOCRATIC MATERIAL //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 31-34.
10. Рахимов И. А., Нурматов Л. О. Ў. КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ МЕЗОНИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 1068-1074.
11. РАХИМОВ И. А. ДЕЙСТВИЯ УЗБЕКИСТАНА В УРЕГУЛИРОВАНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ В АФГАНИСТАНЕ //НАУЧНОЕ ЗНАНИЕ СОВРЕМЕННОСТИ Учредители: Индивидуальный предприниматель Кузьмин Сергей Владимирович. – №. 11. – С. 5-11.
12. Azimjonovich R. I., Nafisaxon A., Sitoraxon K. MUSTAQILLIK YILLARIDA KO 'P MILLATLI VA KOP KONFESSIYALI MAHALLALAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI // "Yosh Tadqiqotchi" jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 37-42.\
13. Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.
14. Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.
15. Рахимов И. А. ИНСТИТУТ МАХАЛЛИ КАК ОСНОВА МЕЖЭТНИЧЕСКОЙ ГАРМОНИИ //Science Time. – 2022. – №. 1 (97). – С. 30-33.
16. Дилдора Қ. и др. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ШАХС МАСАЛАСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 204-210.
17. Камиллов А. АХБОРОТЛАР ЁРДАМИДА ТУРИСТИК ОҚИМНИ ВА ТУРМАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ БОШҚАРИШ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 115-119.
18. Abdullayevich K. A. The Activities of the People's Commissaries of People's Commissions of Nations in the Establishment of National Relations in the MSSR in the



- 1920s //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 19-28.
19. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
 20. А Махмудова, У Тожибоев - ИСТОРИЯ МУЗЫКИ УЗБЕКИСТАНА *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, -2022.-Т. 1.-№5-С. 147-154
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6590831>
 21. Махмудова А.Н. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЎП МИЛЛАТЛИ, КОНФЕССИЯЛИ МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*.-2022-Т.1-№3-С 233-241
 22. Махмудова А. Н. и др. ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРУДИЙ ВА УНИНГ ИСЛОМ ДИНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ // *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 130-136.
 23. .Nosirovna M. A. The role of suleymanov rustam khamidovich in the study of urban development of ancient period in uzbekistan //Проблемы современной науки и образования. – 2019. – №. 12-2 (145). – С. 85-87.
 24. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
 25. Nosirovna M. A. Issues of history world civilization in the scientific research of rh suleymanov //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.
 26. Makhmudova A. N. ISSUES OF HISTORY WORLD CIVILIZATION IN THE SCIENTIFIC RESEARCH OF RH SULEYMANOV //Austrian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2021. – №. 1-2. – С. 20-24.
 27. Махмудова А. Историческое значение проводимых исследований ученых археологов на территории Согда //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 10/S. – С. 42-46.
 28. Махмудова А. The history of obirahmat cave exploration //Збірник наукових праць Л'ОГОС. – 2020. – С. 74-75.
 29. Махмудова А. Н. Человек, преданный науке //Молодой ученый. – 2020. – №. 9. – С. 130-132.
 30. Sabirdjahnovna, Kodirova Dildora. "Eastern thinkers on issues of personality development." Проблемы современной науки и образования 2 (147) (2020): 75-77.
 31. Кадилова, Дилдора Сабирджановна. "Формирование у студентов профессионального и личностного самоопределения." Вопросы науки и образования 7 (19) (2018): 287-289.
 32. Sabirdjahnovna, Kodirova Dildora. "Strategy of tourism development in Uzbekistan." Проблемы современной науки и образования 11-2 (144) (2019): 42-43
 33. Sobirjonovna, Kadyrova Dildora. "Tourist opportunities of the regions for the development of tourism in the fergana valley." *Academicia: an international*



- multidisciplinary research journal 10 (2020): 1374-1376.
34. Кадирова, Дилдора. "Қўқон хонлигининг ташкил топиши масаласи тарихидан." Общество и инновации 3.1/S (2022): 111-115.
 35. Кадирова, Дилдора Сабирджановна. "МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ УЙЎНЛАШУВИ." IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNING ZAMONAVIIY YONDASHUVLARI 1 (2022): 80-84.
 36. Кадирова, Дилдора Сабирджановна. "Связь социологии с другими науками." Достижения науки и образования 2 (43) (2019): 78-80.
 37. Кадирова, Дилдора Сабирджановна. "Этические взгляды мыслителей средней Азии." Достижения науки и образования 16 (38) (2018): 15-16.
 38. Sabirdjanovna, Kadirova Dildora. "Problems Of Education Of The Younger Generation In The Works Of Orientalists." European International Journal Of Multidisciplinary Research And Management Studies 2.04 (2022): 138-142.
 39. Problems and Solutions to Further Increase the Activity of Women's Entrepreneurship in New Uzbekistan
 40. KD Sabirdjanovna - CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ..., 2022 - cajssh.centralasianstudies.org
 41. Тишабаева, Лола Арифовна. "Духовно-нравственное воспитание студентов в вузах Республики Узбекистан." Вопросы науки и образования 1 (13) (2018): 61-62
 42. Тишабаева, Лола Арифовна. "Изучение истории в воспитании молодежи Узбекистана-один из важнейших вопросов." Вопросы науки и образования 7 (19) (2018): 84-85.
 43. Тишабаева, Лола Арифовна. "Формирование и воспитание гражданской позиции у студенческой молодежи." Вопросы науки и образования 5 (17) (2018): 135-136.
 44. Тишабаева, Лола Арифовна. "Роль трудов учёных-мыслителей востока в духовном возрождении общества." Достижения науки и образования 13 (35) (2018): 34-35.
 45. Тишабаева, Лола Арифовна. "Эффективное применение педагогических и образовательных технологий на занятиях." Достижения науки и образования 3 (44) (2019): 54-56.
 46. Тишабаева, Лола Арифовна. "Развитие ремесла в Узбекистане." Проблемы современной науки и образования 11-1 (144) (2019): 110-111.
 47. Тишабаева, Лола Арифовна. "ПЕРСПЕКТИВЫ УЛУЧШЕНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛА." Гуманитарные науки и естествознание: проблемы, идеи, инновации. 2020.
 48. Tishabaeva, Lola Arifovna. "Pedagogical views of the great educators of the Central Asia." Проблемы современной науки и образования 1 (2020): 56-58.
 49. SI Эргашев У. О., Мирзаев А. А. Содержание повышения позитивных изменений в духовном мировоззрения молодежи в образовательных учреждениях //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.
 50. Мирзаев А. А. Ўзбекистонда гид таржимонлар этика стандартлари ва муаммолари //общественные науки в современном мире: политология,



- социология, философия, история. – 2019. – С. 81-84.
51. Abdumannonovich N. M. et al. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 69-74.
 52. Rakhimov I. A. AFG'ONISTONDAGI SIYOSIY VAZIYATNI IZGA SOLISHDAGI O'ZBEKISTONNING SAY-XARAKATLARI //Современные проблемы и перспективные направления развития науки. – 2021. – С. 9-17.
 53. Мирзаев А. А. ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОБЗОР ТУРИСТСКИХ ВЫСТАВОК В УЗБЕКИСТАНЕ //Вестник Науки и Творчества. – 2022. – №. 2 (74). – С. 51-58.
 54. Мирзаев А., Махмудова А. ИЧКИ ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 255-262.
 55. Azamovich M. A. Religious Tolerance Tourism and Jahan Experience //Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science. – 2022. – Т. 3. – №. 9. – С. 93-97.
 56. Дилдора Қ. и др. Абдулла қодирий асарларида шахс масаласининг ёритилиши //Yosh Tadqiqotchi Jurnal. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 204-210.
 57. AN JOURNAL ОТишабаева, Лола Арифовна. "Эффективное применение педагогов Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
 58. Эргашов У. О. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ УМУМИНСОНИЙ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ //ЎТМОЎ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОНДАШУВЛАРИ. – 2022. – Т. 1. – С. 93-97.
 59. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. РОЛЬ ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ПОВЫШЕНИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ И ПРАВОВОЙ ГРАМОТНОСТИ МОЛОДЕЖИ //Обмен научными знаниями в условиях глобализации. – 2021. – С. 44-48.
 60. Эргашов У. О., Мамасиддиков А. А. ОТНОШЕНИЕ ЦАРСКОЙ РОССИИ К ШКОЛАМ ДЖАДИДОВ //Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 122.
 61. Эргашев У. О., Мирзаев А. А. СОДЕРЖАНИЕ ПОВЫШЕНИЯ ПОЗИТИВНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ В ДУХОВНОМ МИРОВОЗЗРЕНИИ МОЛОДЕЖИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ //Интернаука. – 2019. – №. 45-1. – С. 62-63.
 62. Эргашов У. О. Процесс воспитания духовно-нравственных ценностей у студентов в учебных заведениях //Достижения науки и образования. – 2018. – №. 18 (40). – С. 73-75.RY